

ТОШКЕНТ

Ижтимоий-сиёсий шаҳар газетаси

№ 124 (8.322) 1993 йил 13 июль, сепанба Нархи 10 сўм.



Ўзбекистон
Республикаси
мустақиллигининг
икки йиллиги
олдидан

Қўшалок байрам бўлади

МУХБИРЛАРИМИЗ Тошкент уй-рўзор электр буюмлари ва хўжалик моллари бирлашмаси бош директори Бахтиёр Тулагановдан Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига қўйилган таъйиғарлик тўғрисида гапириб беришни илтимос қилишди.

— Бирлашмамиз 1988 йилдан фаолиятини тубдан ўзгартириб, 5 та цехи, 2 та бўлими, 3 та ширкати, 2 та ижарадаги корхонаси ва 1 та кичик корхонасида электр буюмлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўймоқда, — деди Б. Тулаганов. — Шу йилнинг олти ойи мобайнида 1362 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари (шулардан 1210 миллион сўмлик эритувчи мосламалар), 534,8 минг дона қандил ва осма чироқлар, 2,3 минг дона лампадон, 1 минг дона стол лампаси, 4 минг дона бел-электрситгичи, 2 минг дона узайтирилган шнурлар, 24 минг дона дазмол, 29 минг дона чойқайнатгичлар ишлаб чиқарилиди. Мазкур йилнинг январь—июнь ойларида ишлаб чиқарилган товар маҳсулотлари 243 миллион сўми, халқ истеъмоли моллари 418 миллион сўми ташкил қилган бўлиб, товар маҳсулотлари 113,9 фоизга, халқ истеъмоли моллари 114,5 фоизга ўсди.

— Ўзбекистон маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун чет эл ишбилармонлари билан ўзаро манфаатли алоқалар боғлаб, кўпгина хайрли ишларга қўл урмоқда. Бу хусусда нималар дея оласиз?

— Бизда ҳам маҳсулот турларини кўпайтириш билан бир қаторда сифатини ҳам яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Излаган имкон топар, деганларидек, бирлашмага ноб хом ашё ва бошқа зарур эҳтиёт қисмлар айирбошлаш йўллари билан келтирилмоқда. Қирғизистон, Қозғистон, Тожикистон ва Россия билан шартнома ларимиз бор. Албатта бу жараёндада ишбилармон ва тадбиркор жамоанинг ҳисса-си катта. Бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилаётган жамоа ишбилармонлиги мавжуд бўлиши ва маблаглардан умумий фойдаланиб, янги иш жойлари ҳам ташкил этилмоқда. Шу жумладан, Бектемир туманидаги бўли-мимизда Америка Қўшма Штатларининг «Поппорн» фирмаси билан ҳамкорликда янги маҳсулотлар яратишга таъйиғарликлар қўйилган. Бундан ташқари бирлашма-миз ҳудудда март ойида имзолаган шартномамизга биноан Хитой Халқ Республикасининг «Хуанен» фир-маси билан ҳамкорликда «Наво»-Хуанен қўшма кор-хонаси тузилди. Бу қўшма корхона халқимиз учун бу-гунги кунда таъин бўлиб турган радиотранзистор ва радиомобилфонлар ишлаб чиқаришни кенг йўлга қў-йишни режалаштирган. Дар-воқеъ, маҳсулотларимизни жа-ҳон бозори талабларига жо-на қилиб ишлаб чиқариш йўли-дан мавжуд имкониятларимиз-дан фойдаланиб, бирлашма ҳудуддада натоғлар, ёриқ-лар, беақли қўтилар тайёр-лайдиган цех ҳам ошмоқчи-миз. Ҳозирда Германиядан келтирилган дастгоҳлар

— Ҳаётда Ўзбекистон Республикаси мустақилли-гининг икки йиллиги кенг и-лоқланади. Бу санага қан-дай кутиб оласиз?

— Мустақиллик кунини, — 1 сентябрда юрдида тилга олинган корхоналар тўла-йишга туширилиб, ўз маҳсу-лотларини бера бошлайди-лар. Худди шу кунни бир-лашмамизнинг ҳам 50 йил-мақсадида Ўзбекистон Рес-публикаси жамағарма бан-каларини муассасаларида пул қўйишининг бир неча турла-ри: ёшларни — рағбатланти-риш, пул ўтлаш, ютуқли турлари бекор қилинади. — Юрдида қўрсатилган

Малик КАРИМОВ,
Зоя ТУРСУНОВ.

МАҲАЛЛАЛАРДА БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТЛАР

Шайхонтоҳур туманидаги «Чуқурқўриқ» маҳал-ласида Ўзбекистон ХДП-сининг бошланғиш ташкило-ти тузилди. Унга шу маҳал-лаларда 9 та партия аъзо-си бирлашди.

ХДП Шайхонтоҳур туман кенгашининг биринчи коти-би Э. Холираев ХДПнинг янги аъзолари партия би-летини топширди. Маҳалла-ларнинг фаолларидан иборат бўл-ган партия аъзолари Муста-қиллик кўнини ишонч билан

тадбирларини белгилаб олишди.

Тумандаги «Самарқанд дарёбоз» маҳалласида ҳам ХДП бошланғич ташкилоти тузилди. Унга шу маҳалла аҳли ва «Са-марқанд» ресторанида 7 ки-ши бирлашди. Шундай қилиб, ма-лих таъкилотлари ХДП бош-ланғиш ташкилотлари сони 20 тага етди.

Эсожурот АННАЕВ.



«Зенит» техник-савдо маркази қошида уй жиҳозларини таъмирловчи бўлима кўп вақтдан буён аҳоли хизматида. Бу ерда анча таъирибали усталар меҳнат қили-шади. Айниқса Абдулла ака тузатиб бер-ган тикув машиналари узоқ вақт таъмирга муштон бўлмайди. Шунинг учун ҳам ишга келаётган ёшлар у кишининг шоғирди бў-лишни истайдилар.

СУРАТДА: Абдулла Набиев шоғирди Камол Мухамедовга тикув машинасини қандай сифатли таъмирлаш йўллари ту-шунтирмоқда.

Андрей Пищенко суради.

ТИЛГА ЭЪТИБОР ОРТМОҚДА

ЎЗБЕКИСТОН енгил са-ноати корхоналарида ишлаб чиқариш ҳажми ортиб бор-моқда. Ушбу тармоқни ри-вожлантиришда олиб бори-лаётган тартибот ишлари ҳам муҳим ўрни тутмоқда. Бундай оммавий ишлар ўз-бек, инглиз тилларида кенг йўлга қўйилмоқда.

Шу сабабли ҳам нуфузли тилларни ўргатишга бўлган қизиқиш орди. Ўзбекистон енгил саноат давлат уюшма-си ҳузурида тилларни бун-да эгаллашга ёрдам бериш пу-та шугулланувчи

Ташаббусга қўшилиб

«Юлдуз» тикувчи-лик ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси-нинг Ўзбекистоннинг меҳнат жамоалари, барча аҳолига му-ро-жаати шайримиздаги корхоналар қатори «Паризод» тикувчилик ишлаб чиқариш бир-лашмаси томонидан ҳам кенг қўллаб-қув-ватланди. Шунга қўра корхона аҳли келгуси ойнинг 7—8 август кунлари оммавий шан-балик ўтказишга қа-рор қилди. Жамоа шу кунни ишлаб топилган маблагнинг 13 мил-лион сўмини ҳукума-га қарашли бўлмаган халқаро «Соғлом ав-лод учун» хайрия жа-ғармаси ҳисобига ўт-казди.

Гулзода АБДУЛЛА қиз.

жалб қилинмоқда. Яқинда ўтказилган навбатдаги сабо-ни бош иқтисодчилар, бош ҳисобчилар ва махсус ишлар бўлимининг етакчи мутахас-силари олиб бордилар.

Ўзбекистон енгил саноати қурилиш республика бир-лашмаси ҳузурида ҳам бун-дай курслар очилди.

Воҳид ВАЛИЕВ.

ШАҲРИМИЗДАГИ бунёд бў-лаётган кўп қаватли бинолар-нинг деярли барчаси панелли бетонлардан қуриладиган, гиштли бинолар ҳам анча ка-майиб кетганди. Кейинги вақт-да айрим ташкилот ва кор-хоналар имкониятдан келиб чи-қиб биноларни гиштли қилиб қуришни ўз олдларига мақ-сад қилиб қўйишмоқда. Шун-дай бинолардан бири Серге-ли туманидаги Янги Сергел-и кўчасидан ўри олади. Бу ер-да ҳали тиклаш ишлари олиб боришмоқда. Фурсатдан фой-даланиб қурувчилар сардори Павел Голубев билан суҳбат-да бўлди:

* Қурилиш майдонларида ҒИШТЛИ БИНО

— Павел, айтгинчи, бино ўз муаддатига қад кўтарди-ми? — Имон қадар биз бинони ўз муаддатига қад ростлатиб, уни пардозловчиларга топ-ширишга ҳаракат қилдик. Ле-кин бино фақат ички ғишт-дан иборат бўлгани учун тик-лаш муаддати сал қўзилди. Чунки қурувчиларимиз ораси-

рали меҳнатлари туфайли бу ғиштли бино тўрт ой ичи-да бунёд бўлди.

— Иш ўрганини келган ёшлар ичига айнан ғишт те-рувчиларини маҳр билан амал-га ошираватганлар ҳам бор, — дея суҳбатга қўшилиди Раҳман Рустамов. — Мана қўра-сиз, ҳадемай улар ҳам биз-

ЮРТИМИЗ ОШИҒИ

Таниқли рассом Исфандиёр Ҳайдаров ўзининг ранг-баранг асарлари билан санъат муҳлисларига яхши та-ниш. Қўни кеча унинг янги кўргазмаси очилди. «Муқад-дамда ақс этган дил» деб номланган кўргазмадан рас-сомнинг мамлакатимиз ҳаё-тига оид, унинг гузал мас-канлари, фаслар манзараси, танворланмас табиат гўшала-

ТОМОШАБИНЛАРГА МАНЗУР

Бугунги кунда мусиқалидеган савол ҳам кўпчилигини бадий фильмларга бўлган қизиқиш ортиб бормоқда. Ўзбек кино усталари яқин-да яратган янги фильм ҳам шу жанрда экран юзини кўрди.

«Гушох» деб аталган бу фильмга истеъдодли ёзув-чи М. Топшўлатовнинг ҳи-кояси асос бўлиб хизмат қилди. Ушбу ҳикоя бўйича сураатга олинган мазкур фильм томошабинлар томо-нидан илиқ кутиб олинди.

Экран асари воқеалари то-мошабинни кучли ҳалқонга солади: Қадармонлар тақди-ри нима билан тугалланади,

* Жағарма банкида ОМОНАТЧИЛАР МАНФААТИНИ КЎЗЛАБ

Республиканинг ўзига хос ҳудудий хусусиятларини ра-қобат олиб, шунингдек нарх-навоининг навбатдаги ошпи-надан сўнг омонатчилар ман-фаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Ўзбекистон Рес-публикаси жамағарма бан-каларини муассасаларида пул қўйишининг бир неча турла-ри: ёшларни — рағбатланти-риш, пул ўтлаш, ютуқли турлари бекор қилинади. — Юрдида қўрсатилган

Исфандиёр ўзининг бир неча асарларини республика маданият фондида тақдим эт-ди. Улар орасида «Қўз ма-назараси», «Бахмалда тоғ», «Оқшом чоғи» каби энг са-ра асарлари бор. Мазкур асарларда ҳам мусаввир юр-тимизнинг тақрирларимиз, гу-зал, беқисс гўшаларини ранг-баранг бўёқлар билан тас-вирлаган.

Шу билан бирга жамағар-ма банкида йилга 80 фоиз-ли муддатли омонат тури ҳам очилган. Жамағарма бан-кининг истаган бўлимига мурожаат этган шахс ана шундай тоифадаги омонатчи бўла олади.

Мавлуда МИРЗАЕВА.

28 июндан 4 июлгача бўлган муаддат ичиде Тошкентда 276 марта жинояткорона ҳаракатлар рўй берганлиги қайд этилиб, ҳафта ичиде уларнинг 116

ки ёш йигит ушланди. — Шу кунни берилган ҳа-барда айтилишича, 1993 йил-

РЕСПУБЛИКАМИЗДА

Фарғона вилояти галлакорлари республикада биринчи бўлиб йиллик режани ундадилар. Давлат қабул пункт-ларига белгиланган 31 минг тонна ўрнига 37 минг тонна гал-ла топшириди.

Ўзбекистон деҳқончилик-саноат акционерлик-тикорат банки билан Туркиянинг давлат зироат банки «Ўтбан» Ўзбекистон—Туркия банки ташкил этилди. Унинг низо-м жағармаси 2 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

«Сирдарё» савдо уйи билан Хитойнинг «Дзедун» ком-панияси Гулистон шаҳрида замонавий технология асосида япон телевизорлари ва видеомагнитофонлари ишлаб чиқара-диган қўшма корхона қуриш тўғрисидаги шартномани имзо-ладилар. Бу ерда бир кеча-кундузда 45—50 та телевизор ва видеомагнитофон ишлаб чиқарилиши мўлжалланган.

Яна бир жамоат ташкилоти — республика геологари-нинг миллий комитети рўйхатга олинди.

Наманган вилояти бадий ҳаваскорлари жамоаларининг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган фестивали очилди.

Америка Қўшма Штатларидаги Калифорния штати Фресно шаҳри раҳбарияти Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ва-зирлиги паталогик анатомия марказининг мудири, тиббиёт фанлари доктори Малика Абдуллаҳуевага «Фресно шаҳри фахрий фукереси» унвонини берди.

ҲАМДУСТЛИКДА

Кеча Россия конституциявий кенгаши мамлакат янги Ассий Кўнунин лойиҳасини маъқуллади. Бу Конституция-нинг қабул қилиш тартиби масаласи танафусдан сўнг август ойи бошда ўз ишчи давом эттирадиган конституциявий кенгаш-да ҳал қилиниши мўлжалланмоқда.

Кеча Озарбайжон Президенти вазифини бажараётган Г. Алиев бу мамлакатнинг Ленкоран шаҳрида июнь ойи ўр-таларидаёқ ҳокимиятини қўлга олган А. Гуматов билан музо-каралар олиб борди. Аммо улар ўзаро келишга олмадилар. Бу музокараларни ҳозир Тоғли Қорабоддаги жангларда иш-тирок эътибган С. Гусейнов қайтиб келгунга қадар тўхтатиб туришга қарор қилинди.

Россия давлат статистика комитети маълумотларига қўра, 1993 йилнинг биринчи ярмида мамлакатда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 18 фоизга камайган. Саноат ишлаб чиқари-шининг ҳажми 1990 йил биринчи ярми даражасига нисбатан эса 66,7 фоизни ташкил этади.

Молдованинг хорижий давлатларга қарзи 170 миллион долларга етди. Биргина 1993 йил июнь ойининг ўзида қарз миқдори қарийб 89 миллион долларга орди.

Кечаги савдода АҚШ бир долларининг қиймати 1039 рублга тенг бўлди.

ХОРИЖДА

АҚШнинг Чикаго шаҳрида меъморларнинг халқаро ан-жумани бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Ўзбекистон меъмор-лари уюшмасига овоз бериш ҳуқуқини берадиган «Суверен давлатнинг мустақил иқтисодий уюшмаси» ҳужжати берилди.

Кеча Страсбургда Европа парламентининг навбатдаги сессияси очилди.

Миср, Малайзия, Покистон, Сенегал, Саудия Арабистони ва Эрон Босния ва Герцеговинадаги жоғарини Бирлашган Миллатлар Ташкилоти асосатчилигида ҳал этишининг янги кенг қўлаи режасини тақдим этишди. Унда собиқ Югосла-виянинг бу республикасидаги мусулмон жамоасига қурол-ларини етказиб беришни ҳам этиш тўғрисидаги халқаро ҳамжамаи қарорини бекор қилиш ҳам қўзда тутилган.

Покистон мухолифатчиларининг етакчиси Беназир Бхутто 16 июль кун мухолифатчиларнинг Исламободга кўп минг кишилик юришига бошчилик қилди.

Исроил ва Фаластин Озодлик Ташкилоти Яқин Шарқда-ги жоғарини тинч йўл билан ҳал қилишда самарали нати-жага эришиш мақсадида ўзаро хуффа музокаралар олиб бо-раватгиларни маълум бўлди.

Вашингтонда ҳарорат 40 даражага етди. Америка Қўш-ма Штатларининг пойтахтида 1890 йилдан бери бу даражада иссиқ бўлмаган эди. Мамлакатнинг шарқий соҳилларида жазирмадан 45 киши ҳалок бўлганлиги хабар қилинади.

РЕЖАЛАР АНИҚ

ҲАМЗА тумани хотин-қизлар кенгашининг напбат-даги пленуми бўлиб ўтди. Пленум ишида ташкилий масала ва келгусида амалга ошириладиган ишлар ҳақи-да аниқ режалар тузиб олин-ди. Туман хотин-қизлар ке-нгашининг раиси атиб В. Че-калов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси со-ломлаштириш бўлимининг кўз табиби Иқбол Аъзамова сайланди.

— Бизнинг туманда кўп миллатли оилалар ва ҳар бир оилда икки-учтадан аёллар мавжуд, — дейди раис. — Улар орасида кўп болали аёлларимиз ҳам та-лайтина. Барчасининг оила-сида ўзига хос муаммоси бор. Кенгаш аъзолари имко-ни борича ечимини кутаётган ана шу муаммоларни ҳал этишда бош-қош бўлишига ҳаракат қиламиз.

Пленум ишида шаҳар хо-тин-қизлар комитетининг раиси Муборак Юнусхўжа-ева, туман ҳокими Вотири Юсупов ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгашининг биринчи котиби Шавкат Файзиёевлар иштирок этди.

Гулн АБДУЛЛАЕВА.

бошқармаси ходимлари томо-нидан ашёвий далиллар билан 1974 йилда тугилган, муқад-

хати етказган. Бечора эр шу ернинг ўзидеёқ ҳушона ҳам келмаган ҳолда жон берган. Ҳозир мазкур хотиннинг юза-дан тегвон ишлари кетмоқда.

4 июль кечкурун олинган хабарга қўра маълум бўлдики, шу кунни 28-автомобилларга ёнли қўйиш станцияси атро-фида икки номзодимиз кимса ҳеч қерда ишламайдиган 1966 йилда тугилган шахс-ни ўтқуви қурол орқали яра-дор қилганлар. Яқинсериё ту-мани ИИБ тергов гуруҳи томо-нидан мазкур жиноятни амал-га оширганликда шубҳа билан 1963 йилда тугилган, илгари судланган фуқаро ушланди. Унинг яннидан эса «ИДН—53» пневматик тўппончаси ва ўқ-лар чиқди. Унинг шериклари-ни ушлов тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг маъбуот шўъба-си.

«О2» хабар беради ЖИНОЯТ ЖАЗОСИЗ ҚОЛМАЙДИ

1 июль кунин Юнусобод тумани ИИБ тартиб посбонлари томонидан ўтказилётган мақ-сул тадбир пайида Сеченов кўчасидаги пайда истикомат қи-лувчи 1963 йилда тугилган ҳе-н қаерда ишламайдиган фуқаро ўй тинтиб қўрилганда Бель-гияда ишлаб чиқарилиш «Браунинг» маркали тўппонча топилиб ва мусодаро этилди.

2 июль кунун Фарҳод савдо расталари ҳудудда пойтахт ИИБ жиноят қидиру-винг май ойида беш номзод-кимса 1962 йилда тугил-ган, Улуғбек кўчасида истико-мат қилувчи фуқаронинг уйига бостириб кириб граната билан лўқ урганлар ҳамда хонадон соҳибидан 200000 сўм пул топиб беришини сураганлар. Пулни бир қисминин олгач-уни тик қўйганлар. Пойтахт Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув хизмати хо-димларининг сўй-ҳаракатлари билан мазкур жиноятни амалга оширишган уч киши қўлга

қадардон ишхонасидан биллур дишаларини ўғирлаб чиққан экан.

30 июнь кунун Жану-бий шохбөк ҳудудда икки номзодимиз кимса аёл кишининг қўлидан ичиде 80 минг сўм пул бўлган сумкасини олиб дарҳол қўздан аёқовганлар. Яқинсериё тумани ИИБ ходи-мларининг ўз вақтида қўрган чора-тадбирлари натижасида мазкур талончиликда айбаниб 1969 ва 1972 йилда тугилган, ҳеч қерда ишламайдиган ик-

ки ёш йигит ушланди.

Шу кунни берилган ҳа-барда айтилишича, 1993 йил-

олинди. Уларнинг шерикларини ушлов тадбирлари қўриб қў-йилди.

бошқармаси ходимлари томо-нидан ашёвий далиллар билан 1974 йилда тугилган, муқад-

хати етказган. Бечора эр шу ернинг ўзидеёқ ҳушона ҳам келмаган ҳолда жон берган. Ҳозир мазкур хотиннинг юза-дан тегвон ишлари кетмоқда.

4 июль кечкурун олинган хабарга қўра маълум бўлдики, шу кунни 28-автомобилларга ёнли қўйиш станцияси атро-фида икки номзодимиз кимса ҳеч қерда ишламайдиган 1966 йилда тугилган шахс-ни ўтқуви қурол орқали яра-дор қилганлар. Яқинсериё ту-мани ИИБ тергов гуруҳи томо-нидан мазкур жиноятни амал-га оширганликда шубҳа билан 1963 йилда тугилган, илгари судланган фуқаро ушланди. Унинг яннидан эса «ИДН—53» пневматик тўппончаси ва ўқ-лар чиқди. Унинг шериклари-ни ушлов тадбирлари амалга оширилмоқда.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бошқармасининг маъбуот шўъба-си.



ЕДИМДА

Богча борган чолларим,
Куллардан ясаган тоғларим.

Юлнинг қолдирган доғларим,
Едимда, едимда, едимда.

Мақтабга чиққанмил илк бор,
Қўлимда даста гул бисёр.

Алифбени тутганим илк бор,
Едимда, едимда, едимда.

Болалик, ёшлигим, мухаббат,
Ун бешимда ёзган бир байт.

Қўлимни сиңдириб олган пайт,
Едимда, едимда, едимда.

Бувинимни айтган эртақлар,
Гул экиб қилинган эрмақлар,

Буважоним тиллаган тилақлар,
Едимда, едимда, едимда.

Хайтимда орзуларим бисёр,
Насиб этса омад бўлар ёр,

Энг яхшим битажамим ашёр,
Олдинда, олдинда, олдинда.
Фотима ОТАХОНОВА.

ЗАЪФАРОН ГУЛ

Сен ҳақингда кимдир ўйласа,
Бағрим ёқиб тунлар бўзласа,

Армон деган заъфарон гулининг
Бағрларида оҳим йўласа.

Сонинчлари — япроқ тўкилиб,
Уттиз ёшда қадди букилиб,

Юрагини минг бор поралаб,
Умидлари уфққа тўкилиб,

Хасратидан юлдузлар ёнса,
Орзусидан кундузлар тонса.

Шўр манглайни қайга яширсин
Кўз ёшдан майсалар унса.

Унутман десаю сенм,
Йўл қўймаса лек бунга матлаб.

Қайта-қайта бўлсанг намоён
Дил ярасин бошдан янгилаб.

РАШК

Раши олови жиганак этиб,
Қорайибсан, ё менга шундай.

Раҳим келар қўларинг ботиб,
Менга сирли тикилса бундай.

Тахликада яшайсан нечун!
Ишонмайсан севган ёрингга.

Мен вафосиз бўлганда очун,
Кулар эди она ерингга!!!

Мухайе МИРСАИДОВА.

* Акс садо

БАХТ КУЛИБ БОҚСИН

«Тошкент оқшони» газетасида эълон қилинган «Бахтим бутун бўларикан» сарлавхали мақолани ўқиб, ич-ичимдан эзилб кетдим. Ўйлаб-ўйлаб сизларга мактуб йўллашга қарор қилдим. Наҳотки бегуноҳ бир қизнинг тақдирига шунчалик берақар қаралса. Нима учун йигит эмас, гулден умри қазон бўлган Бахтигул оз эмас, 10 йилга озодликдан маҳрум этилди?

Мен ҳам ўн саккизинчи баҳоримни қарши олдим. Бегуноҳ Бахтигулнинг ҳаётига назар соламан. Наҳотки мен тенги қиз ўзининг энг қувноқ дамланини тўрт девор орасида ўтказса. Негизда ҳеч қандай жазо олмади. Ахир у бундан кейин менга индамас эканлар деб, яна бир бошқа қизнинг бахтига чанг солиши мумкин-ку?

Қизни қўқимаслиги учун ҳаётга тегаран кўз билан қараб яшамаслиги лозим. Мабодо шунда ҳам қўқилса одамлар суяб қўйишди. Ўйлаб-ўйлаб, орамада ана шундай яхши одамлар жуда кўп. Мен тенгдошим бўлган Бахтигулга ҳам бахт кулиб боқиб, фарзандлари билан тотли яшашини жуда-жуда истардим.

Шонира НУРМУХАМЕДОВА,
Тошкент шаҳар жисмоний тарбия ва спорт комитети котибаси.

Гўзалларнинг кўзи куйдирар,
Ишқ, оташли сўзи куйдирар.
Табассуми жон бағишласа,
Ситамлари жондан тўйдирар.
Юрагиди севги бўлоғи,
Севгинида азоб қийноғи,
Ҳатто тоғ ҳам беролмайдир

Кийноқларин бошлаган чоғ,
Сочларини ўйнайдиган сабо,
Розини айтиб айласа садо,
Боққил менга деманга ҳол

Кулиб туриб этди адо.
Нингиди заҳир андиша,
Омон бўлгин дейман

Жафо қилсанг ҳамки бор
Шалопадек мусаллоҳ кулгин.
Рақсларингга меннинг

Олам боқар сенга ошўфта
Шафқатингга туташса

Сен айтурсан куйганинг
Мен айтурсан суйганим

Қачон Мажнун Лайли доғда
Саргардонлик бахтидан

Гўзалларнинг кўзи
Ишқ, оташли сўзи куйдирар,
Табассуми жон ато этса
Ҳамзалари майли тўйдирсин.
Мухаббатдан кечмак йўқ

Дилда ишқи кўзга тўтиб,
Вафосини сўраб аспиди,
Гўзал кўзи боқадиган кўз
Шу кўзларда ҳаё бор

Чехраларда ибб бор бўлсин,
Умримизнинг нақши

Бу ҳаётда Зебо бор бўлсин,
Рустам Шарипов сурати.

Қадим замонлардан буён Ўрта Осиё ҳудудларида яшаб келадиган ўзбеклар кўна тарих ва бой маданиятга эга халқ ҳисобланади. Манбаларда қайд қилинишича, ўзбек халқининг соғи 23 миллондан ортиқроқ бўлиб, шу жумладан 9 миллион киши Ўзбекистондан ташқарида яшамокда. Бу Афғонистон, Тожикистон, Саудия Арабистони, Хитой, Сурия, Ироқ, Туркия, Эрон, Олмон, АКШ, Австралия, Иордания каби мамлакатлардир. Бу давлатлардан фақат Афғонистонда ўзбеклар ерли халқ ҳисобланади. Қўлган хоржий мамлакатларда эса ўзбеклар турли даврларда турли сабабларга кўра жойлашиб қолган муҳожири халқ деб қаралади.

Афғонистонда қадимдан яшаб келадиган ерли ўзбеклардан ташқари 20—30 ва 50-йиллар бошларида собиқ Совет Иттифоқидан қочиб ўтган ўзбеклар ҳам мавжуд бўлиб, улар мамлакатнинг шимолӣ вилоятлари ҳамда пойтахт Қобулда истиқомат қилишади. Мураккаб зиддиятчи ва мунозараларга бой даврда ўз она юртиларини тарк этган ўзбеклар аякдорлар юрти Ўзбекистонга ҳар доим интилиб яшаб келаятирлар.

Манбаларда қайд қилинишича, хоржийдаги ўзбекларнинг ташқи ўзгаларга бориб қолиши уч тарихий давр билан боғлиқдир. «Хоржийдаги ўзбеклар» номи остида 1992 йил

ХОРИЖДАГИ ЎЗБЕКЛАР

Тошкентда нашр этилган китобда бу уч ҳал қилувчи давр кўйлагича кўрсатилади.

Биринчи давр — октябрь инқилоби ғалабасидан олдин ва кейин бошланган фуқаролар уруши ҳамда совет ҳокимиятини ўрнатилган жаҳон ҳисобланади. Бу даврда хоржий сари кетишга мажбур бўлган ўзбек ва тандошларнинг барчаси совет ҳокимиятига қарши кишилар эмас эди. Улар орасида ҳусусий савдонӣ ман қилинишдан, эски мантаблар тугатилишидан, динга мубосабат ёмонлашганидан, маҳаллий аҳолини армияга олинишидан норози бўлган кишилар ҳам унча-мунча бўлган.

Ўзбекларнинг хоржийда келиб қолишининг иккинчи даври Ўрта Осиё ҳудудидида ўтказилган 20-30 йиллардаги иттиҳодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётдаги туб ўзгариш ҳисобланган ислохотлар билан боғлиқ. Бу давр тўғрисида «Хоржийдаги ўзбеклар» номи китобда жумладан шундай сатрлар кўзга ташланади: 20-30 йиллар тарихи тарих ва адабиётда бир ёқлама ёритилганлигини ҳисобга олган, хоржийдаги ўзбек ватандошларга «ватангадо» «миллий душман», «хор-зорликда яшовчи кишилар» сифатида тор маънода берилган баҳога дуч келамиз.

Аслида давр мураккаб ва зиддиятчи. Ривожланиш, ярашув, маъмурий бўйруқдорлик системаси билан боғлиқ бўлиб, чуқурроқ ўрганишга муҳтождир.

Дарҳақиқат, ўша йиллари мубораксизлик, душманлик, шахсга сиғиниш, аъраунолик, тазйиқ авж олган.

Учинчи давр эса 1941—45 йиллар, иккинчи жаҳон уруши билан боғлиқдир. Бу даврда хоржийда яшовчи ўзбеклар жангларда иштирок этиб асрга тушган ёки бошқа сабаблар билан чет элларга қочиб кетган. Бу йиллар мобайнида ташқи ўзгаларда қилиб кетган ўзбеклар кўпчилигини ташкил этмади. Уларнинг соғи бир неча мингдан иборат бўлиб, асосан Оврупо мамлакатлари ва Америкада яшайдилар. Бундан ташқари 70-йилларнинг иккинчи ярмида собиқ Совет Иттифоқининг Афғонистон ички ишларида аралашуви оқибатида ҳам ўйлаб ўзбек фарзандлари Афғонистон муҳожириларига асир тушибди ёки ўша томонга қочиб ўтшини натижасида ўзбек муҳожириларининг сифи кенгайди. Ҳозир булардан Канада, Америк, Ўзбекистонда истиқомат қилишади.

(«Озодлик», «Садо» радиостанцияси эшитиришлари асосида).

АЕЛЛАРГА доим таъзим қилсак, бошимизга кўтариб юрсак арзийди. Менинг Мамлакатим, бахтим, уйимнинг чироғи, юрагимда ёниб турган ишқ олови — сенинг ўзингсан.

Беш қизнинг ичиди яққа ўғил эдим. Ота-онам доим ўзингдан кўпайгин, деб дуо қиларди. Не саодатки, ўзинг оила деб аталган менга катта мамлакатни ҳада этдинг. Икки ўғил, тўрт қизни тарбиялаб воляга етказдик. Ана шу мамлакат подшоҳи мен бўлсам, сен вазирсан. Кувалар, келин ва невараларни айтмайсанми. Келин тушиб, қиз чиқариш тўйларида сенинг дово ва ишбилармонлигинга кимлар қўйил қолмади.

Юрак ҳуружи билан шаҳар касалхонасида 40 кун ётиб чиққанымда, ҳар кун эрта билан ва кечки пайт хабар олиб

МЕНИНГ МАМЛАКАТИМ

турганларинг ҳеч қачон эсимдан чиқмайди. Сенинг ҳар битта табассуминг, дардимга малҳам бўлгучи сўзларинг менга жон бағишладиган, ҳаётга чорладиган, Сенинг меҳр-оқибатинг, қора кўзларинг, катта севгинг мени ўлимдан сақлаб қолди.

Эсингдими, фарзандлар ҳаммаси йигилган кун эди. Невараларимизнинг шодон овози уйимизни тўлдирди. Шунда мен давра боши эдим. «Онагизни 50 ёшга тулиши билан табриқлайман. Унга соғлиқ, бахт ва омад тилайман», — дедим. — Онагизни уйдан олиб келганимга ҳам 33 йил бўлади. Олтин тўйини ҳам биргаликда ўтказиш насиб қилсин».

Шунда уч ишарли неварамиз Ёлқин-жон ўрнидан туриб, бувисининг қўлидан ушлаб:

ЭШИТАЯПСИЗМИ, карнай-сурнай навалари янграмоқда. Куйинг шўх, аммо маҳзун оҳангидида титроқ бор, сезиясизми! Эшитинг: у келинчақ дил нидосига ҳамоҳанг янграмоқда.

Ана, ниҳоят опоқ либос-ба бурканган келинчақ кўринди. Уни туртири бир олам завққа, ҳаяжонга тўла. Чикинг, одамлар, унга пешвоз чикинг! Қалбониздаги энг мусаллоҳ, зағу тилақларингизни унга баён этинг, гулдаста қилиб унга тутинг!

Ана, келинчақ! У бутун борлиги билан оқликка, софликка қўйилган. Ҳаёллари

меҳри дарё, сахий қалби инсонлар ичра қолишга ишонди. Эъзоу эътибор кўришга шубҳа қилмайди. О, табиат яна қандай мўъжизаларинг бор. Бундай мисл-сиз кашфийтиги ким учун яратдинг? Сенинг саҳоватга тўла жаборларинг кўтармоқда шод бера олармикин, барпоиш етармикин унинг? Э, келинчақ, қаршингда гул тутиб турган ҳар бир қўлга ишон! Сен учун аталган жамкини илқиб сўзларини самийини деб қабул эт!

Ишониб қол дегини, тилақларини соф дегини, сўзлари ҳақ дегин. Сен фақат ишон уларга. Мана илк бор қадам қўй-

соли мухаббат, ишқ элчиси бўлсин. Хўш, бу улкан муҳаббатга чексиз ишқ, қайноқ тўйиб, қўшқини ҳиссийётларини бу ноизикни япроқлар қандай ифода этсин!

У титроқда. Эй, ҳижрон дардида куйиб, ўртаниб, ниҳоят висол орузига етолган бахтиёр ошқ. Оламга бир бор боқ. Санда кўра шодмон, бахтли кимса бормикин.

Табиат инъом этган бу улкан мўъжиза сенинг инсоний ҳиссинг — меҳринг учун берилган муносиб тўхфадир-ким, меҳринг миқсолоб сарф эт, токи бу меҳр боқ бўлсини бир умрга етсин. Асло тугатмасин. Сenga ишониб топширилган бир бутун мухаббат қувонч, ишонч бир бутун бахтга айлансини бағри кемтиб бўлиб қолмасин...

Эй, жумбоқли олам. Шум тақдирнинг найрағларидан нолиётган қиз. Ортиқ қарғама ҳаётин... Сўлгинлик ярашмайди сenga. Чехрангдаги офтобни яширма... Ўзингдан, ҳатто ўзингдан пинҳон тутган, сирларинг-орзуларингни қўйша сўйла! Боққилки тила бу тилақларга, токи унмай ҳазон бўлмасин улар.

Жажки сиғилча келиноисин истибқилидан шошади. Қўллариди атлас рўмолча! Уни ўртоқларига кўз-кўз қилиб мағрурланади.

Эй жажки қиз, сен бу рўмолчага яхшироқ разм сол. Шунда унингга меҳмон эмас, «бир умрлик меҳмон бўлай» деб келган бека, шу бир парча матога бутун ҳолис интиларини қўшиб тиккан чеваринг санъатига қўйил қолмасан. Ундаги тафтин-ҳароратин ҳис этасан.

Ҳақиний инсоний меҳр на оқибат, журъат ва жасоратин, садоқатин кўриб, таҳсинлар айтасан.

Яна, яна бир тош отди. Бунда янги ишқ, янги тилак, мўъжизалар япроқ очди. Нурули истиқбол қорламоқда. Бу оламда яшамокликни сизга боғлиқ, яхшилар...

Саодат УМРЗОҚОВА.

БОРЛИК МАҲЛИЁ

ҳам, тилақлари ҳам оппоқ унинг, оппоқ! Худди шу эгинидаги либос сингари пок, ҳар қандайини ғуборлардан ҳоли.

Унинг боқиларида назокат, ҳаё. У ҳўрлар малина-си юксак нафосат тилмолида гавдаланади. Оламдаги барча жамкини нозанину паривашлар унинг бу турлидаги унинг олдинда ётаверсинлар! Ҳасратдан ёниб кул бўлсинлар!

Гўё бутун борлиқ унга маҳлиё! Аслида ҳам шундай. У нинглардан қочиб қапаласка айланган ўзоқ-ўзоқларга учиб кетмоқчи ҳам. Тугмачага айланиб, чўнтақларга беркиниб олмақчи ҳам эмас. Чунки бу боқилардан унга сира маъно келмайди. У бу нинглардан меҳр, ҳа-рорат тафтини сезади, ҳис қилади. У бир умр шундай бўлиб қолишга, бир умр

динг бу остонага, бош эгиб келибсан илк бор бу тўшага. Сенинг бу эгик бошинг бир умр тик бўлгуси бу остонада. Маломатдан дол, тарк этмайсан уни, ишон бунга ҳам.

Қайнона! Она! Қабул эт, қизларинг сафига яна бир қиз қўйишди. Қизинг бўлмас-«қиз» бўлай деб даргоҳингга келди, «биронинг азиз боласи»!

Оташу чексиз ғумонлар қамраб олган оқизинга юракка тасалли бермоқ учун қизик меҳрилла она дебган шу сўзга лойиқ бўлиш учун, чарогон қўлбағига фазл олиб келадиган шу жажки оғдоб-га муневиб бирон бир сўз демай «Қизинам, бу уй энди сенники»!

Гул тутган қўллар, қўллар эмас гуллар титроқмоқда! У инсон қалбонинг энг юксак ўрнидан поклик тим-

УЧРАШУВ ОҚШОМИ

ТОШКЕНТ Давлат дорилфунунида собиқ талабалар билан тез-тез учрашувлар ўтказилиб турилган. Кунин кеча маъмур доргоҳда бундан 40 йил аввал, 1953 йилда унда-да турган қўлқўтининг тугатган со-зиретининг тарихи учрашув оқшони бў-қиб талабалар билан учрашув оқшони бў-қиб турган 75 нафар талабалардан бугун-ини тугатган Айн тарих ва фалсафа фан-ги кунда 6 нафари бир неча фан номзодлари лари доктори, бир неча фан номзодлари ва турли жаҳонларда хизмат қилган, ва-

таинимиз истиқлоли йўлида ўзларининг куч-гайратларини аямай меҳнат қилган му-раббийлардан иборат.

Шу кунни дўстлар бир-бирлари билан ўзоқ суҳбат қурдилар, талабалар олтин дамланини эсладилар, айни дамлаларда олиб бораётган ишлари юзасидан масалалаш-дилар. Дилдан суҳбатлар тўқини дастурдон атрофида бир пиёла чой устида бўлиб ўтиди.

Шоҳбоз СИРОЖИДИНОВ.

* Қизлар дафтаридан



АСЛИДА шеърини шоир яратди. Уни қўшиқ қилиб кўйга со-лишда эса санъаткор алоҳида ўрин тутди. Ва шу кўйга ҳамоҳанг битилган қўшиқ орқали ижодкорга яна алоҳи озуқасини беради. Қўшиқчи қўлаётганда, аяниб бир сеҳр билан тингловчинини ўзига ром қилади. Борди биз тилга оладиган қўшиқчи аёл киши бўлса-ки, тушундим, унинг гўзаллиги, ҳаё-иффати, назокатлиги кўз ол-дингиздан ўтмоқда. Мавлуда Асалхўжаева ўзида мужассам бўлган мана шу гўзаллиги билан саҳналардан гушмайди, қўйлади, қалби-дан отилаётган гоҳ ҳазин, гоҳ шодон овози мусиқа билан тинглов-чининг юрак пардаларидан жой олади. Унинг «Қизларжон», «Дунё», «Моҳиғул», «Унутма» каби бир қатор қўшиқларидан таралаётган ёқимли оҳанг муҳлисари учун ягонадек туюлади. Тингланг, эшита-йисизми, унинг жангдор овози ҳаёлларини ўзоқ-ўзоқларга олиб қочиқмоқда. Қўнғилларга илҳом бахшида этмоқда.

— Мавлуда опа, санъат аҳли борки, ўз халқининг қалбидан чу-қурроқ жой олишга нитилмади...

— Биласизми, санъаткор энг аввало ўз халқини севини, унинг дардини тушуниши, қўнғилини я-ратувчи қўшиқлар қўйлаш билан улар қалбидан жой олиши керак. Шундагина муҳлисаридаги орби санъатинингизни ардоқлай бошлай-ди.

— Келинг, Мавлуда опа, ҳам-масини ўтган йиллардан бошла-лик, болалик йилларингиз ҳақида қандай қизиқ воқеаларини эслай оласиз?

— Болалик йилларимнинг жўш-қин нафаси Жалолободда ўтган. Ўша йилларни эсласам энгизиб кетаман. Саккизинчи синфни та-момлаб педагогика билим юрти-га ўқишга кирдим. Бир кунни қи-зиқ воқеа бўлди. Жалолободдан ўттиз қақиримча нарида Қораол-ма деган қишлоққа (укам Намол-нинг ансамбли бор эди) бориб кон-церт қўймоқчи бўлдик. Аксинга олиб, у ерда кўпгина қариндош-ларимиздан уйимиздагиларга айт-маслик ҳақида бирма-бир илтимос қилиб чиқдик. Концерт тугагач, укамнинг ўртоқларидан оагина пул олиб, уйга пиёз кўтариб қайт-дик.

— Шунчалки қўшиқ айтишни яхши кўрар экансиз, бундан чиқ-ди қўйлаш ички эҳтиёжингиз талаб қилган бўлса керак?

— Шундай деса ҳам бўлади. Бунинг устига санъаткор оила-сиданман. Дадам Жалолободда ном чиқарган наичи эди. Қамма ҳур-мат қиларди. Эҳтимом мени илк санъат гулшанига етказган ҳам да-дамлардир. Лекин негидир, у ки-ши менинг қамроқ қўшиқ айти-шини истарди. Кейинчалик ҳа-ётим бутунлай қўшиқ айтишга боғланганлигини тушундим. 1980 йил Тошкент театр ва расомчи-лик институтига ўқишга кирдим.

— Талабалик даврининг ўз га-ти бор. Зеро, унга етганлар ҳам, етмаганлар ҳам... Дарроқе, ўша куларни қўйсизми, ёдингизда қолган аjoyиб кунлар ҳам бўлса керак?

— Бу саволнинг билан гарчи у даврини қайтаришнинг имкони бўлмас-да, талабаларнинг энг тўғри дамланини эсга солдиримиз. Ўшанда ёдимда қоладиган аjoyиб воқеалар қўшиқда кўп бўлган. Ассосини қўшиқчилик санъатида-ги воқеаларни кўп эслайман.

...3-курсда ўқир эдим. Ялтада Бутуниттифок эстрада баҳси бўл-ди. Омад менга ҳам кулиб боқ-ди. Иккинчи ўринни олиб, соврин-дор бўлиб қайтандим...

* Қўшиқ сеҳри

ҚАЛБЛАРГА ҲАМРОҲ



— Сиз миллий қўшиқлар қа-торида қардош халқларнинг ҳам қўшиқларини маромига етказиб қўлаётганингиз сир эмас. Албат-та, бунинг илашларидан натижаси, дейиш мумкин. Шунингдек, ижод-ини янада муаммақлаш учун са-фарларда ҳам бўлаётгандирсиз?

— Албатта, Афғонистон, Кипр, Чехословачия каби кўплаб дийр-ларда бўлдим. У ердаги санъат-корлар билан фикрлар алмаши-дик. Бу ижодий ҳамкорлигимиз санъатнинг сирли оламига чуқур-роқ кириб боришга даъват этди.

Йқин кунларда Хитой ва Тур-киёга боришга тайёргарлик қўра-

ялмиз. Албатта, биз бунга шу дав-латларнинг ўзига ҳоз миллий қў-шиқларидан тайёрлашимиз керак. Айни вақтда шунинг устида ишла-яймиз.

— Санъатдаги ижодингиз ҳа-қида қисман танишган бўлсан-да, лекин оилавий аҳволингиз ҳақи-да...

— Турмуш ўртоғим туркиман-тонлик. Биз Ялтадаги бўлган уч-рашувимизда, Ашгабаддаги «Де-стан» гуруҳи билан танишиб, дўстлашиб қайтган эдик. Инсти-тути бигирганимдан кейин мени шу гуруҳ ишга ташкил қилиб, ҳол-жонимга қўйди. Тақдирини шу юртга боғланган экан. Даст-лаб у ерда оилавий ётоқхонада турардим. Давлат аҳам онали бил-мен турган ётоқхонанинг тур-тинчи қаватида турарди. У киши билан бирга ишлардик. Йўқ пайт-лари онасига у-бу ишларига қара-шиб ёрдам қилиб турардим. Бир кунни оналари менинг ўғлим-га турмушга чиқинг, деганлариди-жуда ноқулай аҳволга тушиб қол-дим. Охири ҳазил тариқасида ай-тилан бу гап чинга айланди. Тўғимиз бўлди. Ҳозир бир-бири-мизсиз яшашни ҳечам тасаввур қилолмайман. Бир қизимиз бор. Исмо Маржона. Тошкентга эса ўтган йили қўчиб келганимиз.

— Рўзгор ишлари, таниш-ла-рини жуда кўп албатта, бунинг ҳам-масини ўзингиз бажарасизми, ёки?..

— Биринчи навбатда аёл киши бўлгандан кейин, у қарерда ки-ми бўлиб ишлагандан қатъи назар уй-рўзгор ишларини унутмаслиги шарт. Ҳеч ким тақдирдан келиб унинг оғирини енгиб қилиб бер-майди.



Буюк Иппак йўли кўчасининг бугунги жамоли.

Андрей Пищенко сурати.

* Фан ва техника янгиликлари

БУРЧАК САҚЛОВЧИЛАР

Углероднинг футбол копгогини эслатувчи полиэдрлар мавжуд бўлиши мумкинлиги исботланган. Таркибида йигирматадан саксонгача углерод атоми сақловчи кўп бурчакли молекула-лар тузилишидан фойдаланиб ажойиб қурилиш конструкциялари (бензолиники сингари) яратилганлиги ва булар муаллиф номига мослаб фуллеренлар деб аталганлиги ҳам бежиз эмасди. Айниқса, катта майдонли стадион, цирк ва концерт заллари томирларини ёпишда полиэдр (кўпбурчаклар) конструкциялари кўп келади.

Янгида олимлар бор билан водород элементлари қўшилишдан ҳосил бўлган боранлардан ҳам шундай конструкция-лар яратиш мумкин деган назарий ҳу-досани ўртага ташладилар. Тажрибада ўн иккита, ўн олти, ўттиз иккита, ўттиз еттига ва қирқ иккита бир йўла ҳам бор, ҳам водород сақловчи кўп бурчаклар яратиш мумкинлиги ҳисоблаб чиқилди. Углероднинг атомлардан тузил-ган полиэдрларини англичасига буюк-боллар деб ҳам атади, уларнинг янги аниқлогларини шулар қаторига қўймоқ-далар. Буларнинг фарқи углерод поли-эдрларида кўп сонли беш бурчакларни кўрсак, борводородлариникида кўп сонли уч бурчакларни кўрсатди. Борводород полиэдрлари ҳам келажакда амалий аҳамият касб этиши шубҳасиздир.

ЭНГ КАТТА МИҚДОР

Япония метеорологик агентлигининг хабар беришича, кейинги ўн йилликда Антарктида осмониде озоон миқдори ўн баравар камайган. Эндликда ўқон эгаллаган майдон ўн етти миллион квадрат километрга етганлиги маълум қилинди. Озоон ўқонининг Япония осмо-нида ҳам камайиб кетётганлиги хабар қилинади. Масалан, Саппоро устида озоон миқдори тўрт ярим рекорд миқдордир. Бу ҳақда Буюк Британиянинг «Нью сайентист» илмий ойнамаси хабар бера-ди.

ҚУЛДА ПОРТЛАШ

Саксониячи йиллар ўрталарида Ка-мерундаги Нюс қўлида портлаш юз бе-риб, натижада 25 километр масофадаги тевакар-атрофта катта миқдордаги кар-бонат ангидрид газининг тарқашы на-тижасида 1700 га яқин кишининг ёстиги қуриган эди. 1984 йили Монуи қўлида ҳам шундай воқеа юз бериб, 37 киши ҳалок бўлган. Франциялик бир гуруҳ олимлар бундай воқеаларнинг олдиди олиш мақсадида қўлларга махсус планг ва қурувлар тушириш йўли билан иш қўришни таклиф қилишди. Газга тўй-нган ости сувлари қурувлар орқали юзга чиқариб туриш самарали усул эканлиги тажрибаларда қўрилганлиги хабар қилинади.

Қудрат АХМЕРОВ, муҳаддис.

Сарвар Норқулов сарносие-лик, Тошкент Давлат техни-ка дорилфунуни 1-курс тала-баси. Талабалар шаҳарчаси-даги ётоқхонада туради.

1992 йилнинг 29 сентябрь куни кеч соат 20 ларда бос-қинчилик йўли билан фука-ролар мулкларини эгаллаб, текин даромад орттириш мақ-садида С. Норқулов ноқо-нуний йўл билан топилган милиция лейтенанти фор-масини қийиб олиб, ўз ше-риклари Ш. Бойматов, М. Эрқаев, Илҳом ва Шокир-лар билан тил бириктириб, Тошкент шаҳар Юнусобод даҳаси, 11-квартал, 47-уй, 22-хонага киришиб, Афғонис-тон фуқароси Хўжа Зокир ва унинг аёлига милициядан келганмиш, де-ган баҳонада ўзига хос ҳуж-жат текширув ўтказмоқчи бўлдилар. Лаҳза ўтмасдан муддаого ўтдилар. Улар тўппонча билан ҳар иккисини қўрқитиб, юзларига ҳўшдан кетказувчи газ сеппдилар. Қаршилик қўрсатиб, ёрдам сўраб қичирганлариде эса тўппонча ўқитиб, отиб таш-лайман, деб қўрқитдилар. Хўшдан кетётган Хўжа давана ётиб қолди. Сўнг у бор кучи ва газабини тўплаб, бақириб, қўшниллар эшитсин, деб шовқин-сурон солиб ой-нани синдириб, ташқарига қочиб чиқди. Жиноятчилар эса ўз босқинчиликларини охирига етказма олмай, воқеа жойидан жуфтгани уридилар... «Инсофсизга эрк берсанг — элли талар», — деб Нор-қуловга ўхшаган тоғни урса талқон қиладиган, етти му-часи соғ, жамият учун фой-дали меҳнат қилишни иста-майдиғанларга қарата айтил-ганга иқдор бўлади киши. Яёзосиз қолганлигидан қў-нлар Норқулов бошчилиги-даги «тутқич бермас»лар наватбадги рекаларни қочо-ва қасрда амалга ошириш кераклигини кўп ўйладилар. Бу қабил ниятларини 1992 йил 9 октябрь куни амалга оширадилар.

М. Эрқаев, Ш. Бойматов ва ана икки шериклари би-лан эрталаб соат 10 ларда Миробод тумани Клара Це-кина кўчаси, 6-уй, 68-хонада вақтинчалик ижарада яшаб турган Хитой Халқ Респуб-ликаси фуқаролари яшаб турган уйга ана милиция лейтенанти кийимида «ҳўж-жат текширгани келганим», деб баҳона қилиб, бостириб қирдилар. Сўнг «текширув-чи»лар уй эгасига ҳўжжат-ларингиз нотўғри, милицияга

олиб кетамиз, деб дўқ-пўписа-лар қилиб хонадонда ағдар-тунтар қилиб, тинтув ўтка-зишди. Жисмоний куч иш-латиб уларга тегишли бўл-ган 48000 сўм нақд пул, қимматбаҳо видеоманитофон, 5 дона видеокассета ва кўп-гина бошқа буюмларни бос-қинчилик йўли билан тортиб олиб, кўздан қойиб бўлдилар.

Босқинчилик йўли билан қўлга киритилган буюмларни сотиб, еб-ичиб ҳазм қилишга улгурмаслариданоқ бу нафс бандалари наватбадга «ишга» қўл уридилар. Бир ҳафта ўт-гач, яъни 16 октябрь куни

Касприк қанча қаршилик қилмасин икки барзанти йи-гитга бас кела олмади. Улар Касприкнинг қўл-оёғини боғ-лаб, яна дўч келган жойига теппиб, уриб, бошқа хонага чиқариб, пешонасига тўппон-ча тираб, «Янашани истасанг бақира кўрма», деб қўри-тиб, устига қўрпа-тушаклар-ни бостириб, асосий «иш»га ўтдилар. «Хитачи» видео-магнитофони, «Шарп» маркали аудиоманитофон, 46 дона видеокассеталар, аёл-лар сўвсар шапкеси, 2 дона момиқ сочиқ, беш бўлак қўйлакка мўлжалланган мато

* Жиноят жазосиз қолмайди

НИҚОБ ЙИРТИЛДИ

Йўналишларини пойтахтнинг Яқсарой туманига бурди-лар. Усмон Носир кўчаси, 11-уй, 13-А хонадонда яшов-чи 2-гуруҳ ногирони В. Кас-прик хонадонига «ташриф буюрадилар». Уй эгаси яқин-дагина операциядан чиққан бўлиб, ёлғиз ўзи ўтирдилар. Эрталаб соат 10 ларда эшик қўнғироғи тугмаси босил-ди. Эшикни очмай туриб, тириқидан қараса икки йи-гит эшик қаршида турибди. Улардан бири одадгаиде ми-лиция лейтенанти кийимида эди. Иккинчиси эса «тутқич бермас»ларнинг фаолларидан бири Шавкат Бойматов эди. Уй эгаси «мишба»ни қўриб асло ёмон ҳаёлга бормаи, қандай хизмат билан келган-ликларини сўради. Шунда улар иккита видеокассетани қўрсатиб, шунга тузукроқ фильм ёзиб беришини сўра-шди. Шундай қилиб «иш»нинг биринчи қисми, яъни уйга кириб олиш қойилма-қом қилиб, силлиқчана бажа-рилди. Сўнг «милиционер» бир зумда босқинчига айлан-ди-қолди. У жабрануғчининг қўлларини орқага қайириб, иккинчиси эса бурни-башара-сига баллондаги газдан се-ппиб, полга йиқитди. Шундан сўнг бўғиб, оғизга латта ти-қишга уринишди, уриб-тепиб, ана ҳўшдан кетказувчи газ сеппиди.

ва бошқа буюмлар, жами 198300 сўмлик мол-мулкни умариб кетишди. Касприк ҳам босқинчиларга осонлиқча таслим бўлмади, қўрпа-тушаклар остида ўзи-ни ҳўшдан кетганга солиб, то ўғрилар хонадаги, керак-ли нарсаларни йигиштириб олгунларига қадар, боғланган қўл ва оёқларини ечишга ул-гурди. Улар эшикни ёпиб чиқиб кетганларидан кейин эса дарҳол ўрнидан туриб, ташқарига чиқди ва ўтган кетганлардан ёрдам сўраб, ўғрилар издан қува кетди. Айна шу вақтда ўз участ-касини текшириб юрган милиция капитани Ширинов, мишраб кийимидаги лейте-нант Норқуловдан шўҳалан-маганли. Узондан чоғиб, ёрдам сўраб келётган Кас-прик уни сергаклантирди. Таскига ўтиратган «милиция лейтенанти» Норқуловни ашёвий далиллар билан уш-лабда ҳамма нарсани ту-шунди.

Яқсарой туманида бў-либ ўтган судда Сарвар Нор-қулов 10 йил муддатга озод-ликдан маҳрум қилинди, мол-мулк эса давлат фойда-сига мусодала қилинди.

Сиронидин САДИРОВ, Яқсарой тумани халқ суди судьяси, Абдуқаҳор ШУКУРОВ, жамоатчи мухбир.

* Хоҳ ишонинг, хоҳ...

СИРЛИ КАСАЛЛИК ҚУРБОНИ

ҲОЗИРГИ вақтда кўп на-рсага ажабланмаса ҳам бўла-ди. Кўхна ерни қўлида тутиб тургиси келиб, оламнинг я-ринини босиб олмоқчи бўлган Наполеоннинг сирли ўлими тўғрисида янги маълумотлар пайдо бўлмоқда. Бугунгача даракларда француз импери-тори рақдан ёки бошқа оқум-ли касалликлардан ўлган деб тахмин қилиб келинган. Яқин-да яна бир шов-шув хабар мабуот орқали бутун оламга тарқалди. Олам ҳўмқори ум-рининг сўнгги 12 йилда соғ-лиғига боғлиқ бўлган ўзга-ришларни текшириш натижа-сида Америка Қўшма Штатла-рини олими Роберт Гринблат шундай ҳўлосига келди: у э-ркакнинг аёлга айланиш жара-ёнини бошдан ўтказган. Олим

исботлаган маълумотларга ишонадиган бўлсак, импери-тор Москваи забт этиш вақ-тида пешобини буттолмасдан қолишиб, Бородино жанги пай-тида оёғи шишиб кетиши, ошқозонининг ачишиб оғриши, Лейпцигга эсабнинг марчаси кеби касалликларни бошдан ўтказган. Буларнинг барчаси э-ркакнинг, аёлга айланиш жара-ёнидаги энг асосий белгилар-дан бири бўлган. Америка олимининг фикрича, Наполеон қирқ ёшдан кейин семира бо-шлаган, Худди шу пайтдан бо-шлаб жинсий аъзоларида ўзга-ришлар сезилган. Инглизлар-нинг «Гардиан» рўзномаси-нинг хабарига қараганда На-полеоннинг майитини очган пайтдаги олимларга номал-лум касалнинг белгилари то-

пилган. Уша касал ҳозирги шифокорларнинг тахмин қи-лишларича, организм тарки-бида бўладиган темир модда-си хизматининг ўзгаришидан дейилмоқда. Хўлпас импери-торнинг танаси аёлларга хос бўладиган юмшоқ этга айла-ниб кетган.

Доктор Гринблатнинг иқдор бўлишича, Наполеон ўзининг суюклиси Жозефинанинг ку-чоғида ҳўлослигини сездири-маган. Бироқ, ундан кейинги жазмани Мария Луиза билан никоҳдан сўнг у номалум ке-салга йўлқичди. У ўсаллигини хотинидан яширмаган. Булар-дан ҳўлоса шўки, олимлар олам ҳўмқори аёлга айланиш жараёнидан вафот этган, де-ган қарорга келишадди.

* Ҳар тўғрида



Аҳмад РАМАЗОНОВ.

* Биласизми?

дунёга келди. Акваланг яратилгунга қа-дар инсон боласи нафасини ичига ютганча сув остига тушар, санокли дақиқалар-дан сўнг яна юзгага қалқиб чиқишга мажбур эди. Кус-тонинг иختироси эса янги дунё — сув ости қироллиги сари йўл очди.

Ҳозирги пайтда аквалан-нинг бир неча қўринишлари бор, лекин уларнинг барча-си Кусто нусхаси асосида яратилган.

ҚИТЪАЛАР ОША МАШҲУР УЙИ

1972 йили Хиндистон ке-маларидан бири Англиянинг Бадминтон шаҳри яқинида лангар ташладилар. Унда ҳи-мат қилувчи матрослардан бири маҳаллий аҳолини қи-зқарай йўли билан таниш-тирди. Гарчи деңиз орти давлатларида у «пуно» номи билан машҳур бўлиб кетган эса-да, англияликлар ракет-ка ва кетига пат қадалган ноптонка ёрдамида ўйнала-диган ўйинни ўз шаҳарлари шарафига бадминтон де-я номладилар. Бадминтон ўйини қоид-ларининг ўта соддалиги унинг тез орада Англияни

бошқа шаҳарларида, сўнгра океан орти давлатларида ҳам оммавийлашиб кетиш-га сабаб бўлди. Айниқса, Канада монахлари унинг Янги дунё бўйлаб тарқали-шига катта ҳисса қўшдилар. Кўплаб спорт турларининг яратилиш тарихи айнан биз-нинг мамлакатимиз билан боғлиқ деган ақидага қаттиқ ишонадиган англияликлар бу сафар ҳам улоқни ўз қўла-рида сақлаб қолиш ниятида дунёда биринчи бўлиб бад-минтон клубини ташкил эт-дилар, кўп ўтмай Шотлан-дия — Англия халқаро ўр-тоқли учрашувини ўтка-зишга ҳам улгурдилар.

1934 йили эса Лондонда Халқаро бадминтон федера-циясига асос солинди. Айни пайтда у ўз атрофида дунё-нинг 60 дан ортиқ давлати бадминтончиларини бирилаш-тирди. Бадминтон талабларига келсак, у узунлиги 13,4, эни 6,2 метр (жуфтлик ўйи-ни учун) ёки 13,1х5,2 метр-лик тўрт бурчак шаклидаги майдонда ўтказилади. Май-дон ўртасидан 155 санти-метр баландликдаги тўр би-лан иккита ажратилган бў-лиши лозим.

Шўҳрат ЗОКИРОВ таърилади.

Тошкент оқшоми

Газета Узбекистон Респу-бликаси Давлат матбуот ко-митетиде рўйхатга олинган. Рўйхат сон — 000101.

Шанба ва якшанбадан ташқари ҳар кун ўзбек тилида чиқади.

ТЕЛЕФОНЛАР: катталар — 33-29-70; эълон ва тижорат хабарларини жойлаштириш масалалари бўйича 32-81-42, 32-55-34, 33-56-67.

Мухаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ.

ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!

«Тошкент оқшоми» газетаси-нинг наватбаддаги сони 15 июл-да чиқади.

ТИЖОРАТ ЖАБРАЛЛАРИ ВА ЭЪЛОМАЛАР



ДИҚҚАТИ

ЖАМГАРМА БАНКИ ЯНГИ, ДЕПОЗИТ ОМОНАТ ТУРИНИ ЭЪТИВОРИНГИЗГА ҲАВОЛА ҚИЛАДИ

Пулни жамгарма банкининг ҳатма муассасаларига нақд пул билан қўйишнинг мумкин. Қўйладиган пул-ларнинг энг кичик миқдори 100 минг сўм. Йилига 80 фоз даромад тўланади. ШОШИЛИНГ! ЖАМГАРМА БАНКИ СИЗНИ КУТ-МОҚДА! Матълумот олиш учун телефонлар: 33-51-95, 33-78-02.

ЖАМГАРМА БАНКИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ.

ХУРМАТЛИ ҚИЗЛАР ВА ЙИГИТЛАР!

АГАР СИЗ ТИКУВЧИ, ТЎҚУВЧИ, ИП ЙИГИРҮВ-ЧИ КАСБАЛАРИНИ ЭГАЛЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ, ХО-ТИН ҚИЗЛАР МОДАЛИ КИЙИМЛАРИНИ БИЧИШ ВА ТИКИШ, КИЙИМЛАРИ КОНСТРУКЦИЯЛАШ, МО-ДЕЛЛАШТИРИШ ВА МАШИНАДА КАШТА ТИКИШ СИРЛАРИНИ ЭГАЛЛАМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг

РЕСПУБЛИКА ҲЎВ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МАРКАЗИГА

ЎҚИШГА КИРИНГ

Фақат биздаги пуллик курслар қуйидаги мутахассис-ларни тайёрлайди: конструктор — модельерлар, хотин-қизлар модали кийимларини тикувчи усталар, машинада бадий кашта тикиш ва замонавий трикотаж тикиш уску-наларида кўп йўналишдаги тикувчилар.

Усирилар учун қўлай шароит бор — улар табиий зарфи-та ишлов бериш ва буюмлар тикиш мутахассислигини ўр-ганишлари мумкин.

ЎЗ ИМКОНИЯТИНГИЗНИ БОИ БЕРМАНГ!

Уқишга 9 ва 11-синфларни тугатган қизлар қабул қи-линади.

9-синфни битирган қизлар 3 йил ўқийдилар. Улар дав-лат таъминотида бўладилар ҳамда ҳар ойда 3 минг 200 сўм оват пули оладилар.

11-синфни битирган қизларга ҳар ойда 1 минг 300 сўм-дан ортиқ стипендия берилади.

Ҳўв-ишлар чикариш марказини битирганлар эгалла-ган касби бўйича маала раъядли берилаётганлиги тўғриси-даги диплом ва ўрта маълумот оладилар.

Улар ширкатлар, ижара, ҳўжалик ҳисобидида ва қўш-ма корхоналарда ишлаш имкониятига эга бўладилар.

Йиғуларлар қуйидаги ҳўжжатларни тоширишлари ло-зим: Ҳўв-ишлар чикариш маркази бош раҳбар номига арiza, туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, ўрта маълу-мот тўғрисидаги аттестат, турар жойдан маълумотнома, 6 дона фотосурат (3х4), ташлаган касби бўйича шуғулла-ниши мумкинлиги ёзиб қўрсатилган тиббий маълумотно-ма (886/У).

Маълумотнома: Тошкент шаҳри, Миронқов кўчаси, 68-уй, (38, 58, 67-автобуслар: 4, 7, 9, 24, 26-трамвайлар; 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Бобур боғи» бекати). Телефонлар: 55-78-28, 55-78-30.

3-ТРАМВАЙ-ТРОЛЛЕЙБУС ДЕПОСИ

Кондуктор, трамвай ҳайдовчилари ва электри чилангарларни

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

Агар сиз трамвай ҳайдовчи, электр чилангар кас-бига эга бўлмасангиз, у ҳолда бу касбларни Сиз

ДЕПОДА ЖОЙЛАШГАН

23-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚОШИДАГИ

курсларда ўқиб

(20 ёшдан) БИЛИМ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Трамвай ҳайдовчиси касбига ўқиш муддати — 5 ой; электр чилангарларга — 3 ой.

Курс ўқувчиларининг ўқиш давомидидаги стипендия-лари — 9,465 сўм, трамвай ҳайдовчиларининг тажриба муддатини ўташ даврида — 13,354 сўм.

БИЗДА ИШЛАСАНГИЗ:

КОНДУКТОРЛАР — 20,000 сўмгача; ТРАМВАЙ ҲАЙДОВЧИЛАРИ — 55,000 сўмгача; ХАРАКАТ ТАРКИБИ БУЙИЧА ЭЛЕКТР ЧИЛАН-ГАРЛАР — 36,000 сўмгача иш ҳақи олишнинг ва қў-йидаги иштиёролга эга бўлишнинг мумкин;

ТРАМВАЙ ҲАЙДОВЧИЛАРИ: аёллар 50 ёшдан, эркаклар 55 ёшдан пенсияга чиқадилар; 6 кунгача бўлган қўшмача таътилга; трамвай-троллейбусларда бепул юриш ҳўқуқига эга бўласиз;

йиллик иш якунлари бўйича 13 ва 14-маошларни ола-сиз;

жисмоний соғломлаштириш мажмуасида шуғулла-нишингиз;

Сирларё бўйидаги дам олиш масканида дам оли-шингиз;

— фарзандларингиз ёсти соғломлаштириш лагерлари-да дам олишлари мумкин.

Визити: маълумлигиз: Темур Малик кўчаси, 3 «а» уй, БИЗГА: 17, 71, 83, 96-автобуслар, 6, 13, 22-трам-вайлар, 9, 18-троллейбуслар билан («Чимен» бекати-га) келишингиз ёки қуйидаги телефонлар орқали қў-ғироқ қилишингиз мумкин: 63-28-97 — ҳодимлар бўлими, 63-38-95 — қабулхона, 63-38-93 — 23-ХТБЮ.

Тошкент шаҳар Ҳокими маҳкамаси халқ таълими бош бошқармаси жамоаси маҳмат фехрийси, кекса педагог

Аббос Тожиевич ТОЖИЕВИНГ вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, мар-ҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

«Ўзбекидгеологическая» ишлаб чиқариш бирлашмаси-нинг Гидрогеология ва инженерлик геологичес инсти-тути жамоаси илмий ишлаб бўйича директор ўринбоса-ри Наримон Макидзоич Умарова қиз

Наргизатон Наримоновна УМАРОВАНИНГ бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъ-зия изҳор қилади.